SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 18-may • Payshanba • 57 (27.549) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

***ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Бухоро шу кунгача Россиянинг Братак ва Орехова-Зуево, Испаниянинг Кордова, АҚШнинг Санто-Фе, Германиянинг Бонн, Туркиянинг Малатия каби шаҳарлари билан биродарлашганди. Яқинда улар сафи яна биттага кўпайди.***

## ҲАМКОРЛИККА КЕЛИШИЛДИ

— Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога ташриф буюрган Жанубий Кореянинг Кангнинг шаҳри маъмурияти раҳбари Пак Жон Хён, — дейди шаҳар ҳокими Карим Камолов, — бу қадим гўшанинг дунё маданиятига қўшган беқиёс ҳиссасини алоҳида таъкидлади. Биз иккала шаҳар ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш ҳақидаги шартномани имзоларканмиз, ўзбек ва корейс халқлари бир-бирларига нақадар дўст, иноқ ҳамда бефарқ эмасликларини ҳис этдик.

Биродарлашган шаҳарлар вакиллари бу дўстликни амалий ишларда намоён этиш, талабалар алмашиш, ҳаваскорлик бадиий жамоалари гастролларини ташкил этиш, тиббиёт соҳасида тажриба ўрганишга келишиб олдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ЯНГИ АВТОСАЛОН

Термиз шаҳрида Россияда ишлаб чиқарилган «ГАЗ» русумли автомашиналар сотиладиган автосалон очилди. Унда «Волга», «Газель», «Соболь» автомашиналари ҳамда 4,5 тоннагача юк кўтаришга мўлжалланган транспорт воситалари сотувга қўйилган.

Бу ердаги автомашиналарга нафақат сурхондарёликлар, балки қўшни вилоятлардан келган харидорлар ҳам қизиқиш билдирмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, машиналарни кредит асосида ҳам сотиб олиш мумкин.

**Г.САИДМАЛИКОВ, (ЎзА)**

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

# 13 ЁШЛИЛАР «ШОҲМОТ ҚИРОЛИ»

Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактаб ўқувчиси Раҳматжон Раҳимов Грециянинг Халкидики шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шоҳмот бўйича ўтказилган II Жаҳон чемпионатида 13 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди

Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ, — деган эди муҳтарам Президентимиз. Ишонч, ифтихор билан айтилган ушбу сўзларнинг ижобати бўлиб бугун барча соҳаларда, спортнинг турли йўналишларида истиқлол фарзандлари жаҳонни ларзага соладиган ғалабаларга эришмоқдалар.

2006 йилнинг 24 апрель — 1 май кунлари бўлиб ўтган, дунёнинг турли мамлакатларидан келган юзга яқин ёш шоҳмотчи иштирок этган мазкур мусобақада Раҳматжон Раҳимов Англия, Греция, Ҳиндистон, Молдова, Туркия, Озарбайжон ҳамда Руминиядан келган кучли рақибларини мағлуб этиб, 9 учрашувда 7,5 очко тўплашга муваффақ бўлди.

Юксак натижа кўрсатган Раҳматжон ўйин ташкилотчиси FIDE томонидан чемпионат кубоги, олтин медаль ва диплом билан тақдирланди ҳамда халқаро спорт устаси номзоди этиб тан олинди.

Раҳматжон 1993 йил 10 мартда Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида туғилган. Отаси Рустам Раҳимов ва онаси Мастурахон опа унинг иқтидори ва қобилиятига қараб математика-физика фанига ихтисослаштирилган махсус лицейга ўқишга берди.

У қисқа вақт ичида шоҳмот сирларини ўргатган биринчи устози Анваржон Алиев мураббийлигида катта натижаларга эришди. 2001 йилда Ўзбекистон чемпионатида II ўрин, 2002 йилда III ўрин, 2004 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шундан сўнг эса Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатига йўлланма олди. 126 нафар ёш шоҳмотчи иштирок этган мазкур мусобақада Раҳматжон кучли ўнликдан ўрин олди ҳамда август ойида Қозоғистонда ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида юксак натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

Раҳматжонга 2005 йилдан бошлаб машҳур мураббий Сергей Пинчук устозлик қилмоқда.



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

— Мен мусобақалар пайтида ота-онам, Ватаним шаънини ҳимоя қилишим кераклигини ҳис этиб турдим. Бор билимим, кучғайратимни ишга солиб, фақат ғалаба учун курашдим. Сўнгги турда дунё рейтингида юқори ўринларни эгаллаб келаётган грециялик Казантзидис Илиясни мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлдим, — дейди Раҳматжон.

— Раҳматжон нафақат мактабимиз, балки мамлакатимиз фахри-ғururига айланди, — дейди мактаб директори Шоҳида Ёқубжонова. — У билимга чанқоқ, интилувчан, инглиз, рус тилларида эркин сўзлаша олади. Биргина Раҳматжон эмас мактабимизнинг қолган ўқувчилари ҳам спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларида 10 нафар ўқувчимиз 5 та олтин, 5 та кумуш медалга сазовор бўлишди.

Яна бир хушхабар Раҳматжон шу йилнинг октябрь ойида Грузияда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Шу кунларда бу нуфузли чемпионатга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Биз эса эртага Раҳматжон Раҳимов ҳам ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов сингари бутун дунёни қайта-қайта ҳайратда қолдиришига ишонамиз.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратда:** жаҳон чемпиони Раҳматжон Раҳимов.*

# НЕФТЬ ВА ГАЗ СОҲАСИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

— Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарлари томонидан имзоланган мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорлигимизга янги туртки берди, — деди матбуот анжуманида «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов. — Биз ўзбекистонлик шериклар билан очиқ мулоқот тарафдоримиз ва Ўзбекистонни инвестицияларимиз учун стратегик аҳамиятга молик минтақа деб ҳисоблаймиз. Ҳамкорликда амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари ҳам бундан далолат беради. Сўнгги икки йил ичида молиявий қўйилмалар ҳажми 160 миллион АҚШ долларидан ошди. Келгуси йилда йилига 3 миллиард куб метр ҳажмда газ қазиб олинадиган биринчи конни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Кандим конлари мажмуида лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Ушбу конларни 2009-2010 йилларда фойдаланишга топшириш ва йилига 10 миллиард куб метргача газ қазиб олиш мўлжалланган. Мазкур иккита лойиҳа бўйича инвестициялар бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади.

Маълумки, Ўзбекистонда «Лукойл оверсиз Узбекистан Лтд» шўъба корхонаси ташкил этилиб, унда 100 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Куни-кеча компания офиси пойдеворига биринчи тошни қўйиш маросими бўлиб ўтди. Икки йилдан кейин янги тузилмада меҳнат қиладиган мутахассислар сони 300 га етади. Уларнинг аксариятини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади.

Вагит Алекперов «Лукойл» Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этадими, деган саволга компания бугун асосий эътиборни нефть-газ тармоғининг учта соҳасига — углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишга қаратмоқда, деб жавоб берди. «Лукойл» катта миқдорда турли хил мойларни ишлаб чиқаради ва хорижда муваффақиятли сотади. Улар учун тегишли халқаро сифат сертификатлари олинган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада биз умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз мумкин. Биз бундай таклифни билдирдик.

Россия компанияси раҳбари Ўзбекистонда бизнесни янада ривожлантириш ҳақида гапирар экан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Лукойл», Корея миллий нефть корпорацияси (KNOC), Хитой миллий нефть компанияси (CNPC) ва Petronas Caligari Overseas (Малайзия) компаниясидан иборат 2005 йилда ташкил этилган инвесторлар консорциуми катта истиқболга эга эканини таъкидлади. Тенг улушга эга консорциум иштирокчилари 2006 йил давомида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги нефть-газ конларини ўзлаштириш бўйича Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни имзолашни мўлжалламоқда.

**В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири**

Қарор ва ижро

# ЧОРВА МОЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

кам даромадли оилалар иқтисодий аҳволини яхшилашнинг муҳим омили бўлмоқда

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг камхарж қатламлари учун манфаатли бўлди, шу билан бирга Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ижросига ҳам кенг йўл очмоқда. Қарор асосида амалга оширилаётган хайрли ишлар, биринчидан, чорвачилик ривожига асос бўлса иккинчидан, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳлини иш билан таъминлашда муҳим замин яратади. Шу жиҳатдан бугунги кунда жойларда бажарилаётган ибратли ишлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Қарор ижроси бўйича дастлабки ишни тарғибот-ташвиқотдан бошладик, — дейди Наманган вилоят ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Бу борада жойларда учрашув-мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари орқали қарор мазмун-моҳияти ва истиқболлари хусусида чиқишлар қилинди. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлар кўмаги билан бепул сигир бериш, шунингдек, қорамоллар сотиб олиш учун имтиёзли кредит беришни ташкил этишда ўз-ўзини бошқариш органларининг амалий ёрдамлари уюштирилди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги комиссиялар астойдил иш олиб бордики, одамларда ушбу қарор моҳиятига ишонч пайдо бўлди.

Қарор бўйича вилоятда жами 1807 оилага қорамол бериш мўлжалланган. Шу кунгача фақат ҳомийлар ҳисобидан 700 га яқин оилага бепул сигир берилди. Хусусан, мазкур хайрли ишлар самараси ўлароқ, биргина Норин туманида 110 та камхарж оила рўзғорига барака кирди.

— Ўқитувчиликдан нафақага чиққанман, — дейди норинлик Муқаддас Йўлдошева. — Турмуш ўртоғим темир йўл ишчиси эди. Оламдан ўтганлар. Сигир-бузоғимиз йўқлиги боис ёш фарзандларим билан анча қийналиб қолгандик. Маҳалладан вакиллар келиб, шароитимиз билан танишгач, мол боқишга имконияти бор, деган хулосага келишди. Кўп ўтмай, туман ҳокими Ўктамжон Эргашев ёнида бузоғи билан бир сигирни етаклаб кириб келганларида, тўғриси, бу меҳр-оқибатдан қувониб кетдим. Бошим осмонга етди. Президентимизнинг бизга кўрсатган бундай олижаноб ёрдами учун мингдан-минг раҳмат.

Шуни айтиш керакки, «Норин тола» ҳиссадорлик жамияти томонидан ҳам 7 нафар камхарж оилага юқоридаги қарор асосида ҳиммат кўрсатилди.

— Бу ерда ишлаётганимга 30 йил бўлди. Биласизми, қишлоқда яшасакда, қорамол боқишни орзу қилганман. Яқинда корхонамиз ёрдами билан шу орзуим ушалди. 4 нафар фарзандимнинг қувонганини кўрсангиз эди...

«Нола-Тола»да қарор ижроси билан боғлиқ бундай ҳомийликни ташкил этишда ХДП бошланғич ташкилотининг сезиларли ўрни бор экан. Буни оддий ишчи Нозимжон Болтабоев фикрларидан ҳам билса бўлади:

— Комиссия хулосаси билан бизнинг оилага ҳам сигир берилишини эшитиб, бир хурсанд бўлсам, уни комиссия вакиллари тантанали топширишини эшитиб, ўнғайсизландим. Партия бошланғич ташкилоти раиси, иқтисодчимиз Шарифжон Бойбобоевдан шу шартмикин, деб сўрадим. Унинг жавобидан эса кўп нарсани англадим.

Чиндан ҳам илгари одамларда боқимандаликка мойиллик бор эди. Ҳомийлик ҳимматини ўзига хос тантанали беришдан мақсад аҳолида мулкка муносабатни уйғотиш, топширилган сигирни парваришлаш ва кўпайтиришга масъулиятни оширишдир.

Хуллас, бугун тумандаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар биридан 3-4 та оилага қорамол берилиши каттаю-кичикни мамнун этмоқда. Энг муҳими, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қилинаётган бундай хайрли ишлардан миннатдорчиликни қарор ижросидан баҳраманд бўлган фуқаролар изҳорида ҳам, уларнинг маҳалладошлари муносабатида ҳам яққол кўрдик.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасида сўнгги 2-3 йилда пилла етиштириш шартномавий режалари бажарилиб келинаётган бўлса ҳам ҳосилдорлик нисбатан тушиб бораётганлиги ҳақида газетамизнинг шу йил 25 март сонида танқидий мақола босилганди. Унда **«...ҳудудда ипак курти озуқа базасидан кўнгил тўқми? Тармоқнинг пиллачилик мутахассислари билан таъминланиш даражаси қай аҳволда?»** деган саволлар ўртага қўйилганди.

Таҳририят мазкур мақола юзасидан **Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан** (бироз кечикиб бўлса-да!) жавоб хати олди:

«Қорақалпоғистон Республикаси ширкат ва фермер хўжаликларида пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2003-2004-2005 йилларда 474 гектар майдонда янгидан тутзорлар ташкил қилинди.

Тўрткўл тут кўчатларини етиштириш ширкат хўжалигида 2005-2006 йиллари тут кўчатлари ўз вақтида олиниб, 981 минг туп кўчат хўжаликларга тарқатилди.

Қорақалпоғистон республикаси туманларида 2006 йил пилла тайёрлаш бўйича 670 тоннага пилла етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилди (4 ширкат хўжалиги, 1213 фермер хўжалиги).

Пилла боқишга амалий ёрдам бериш мақсадида республика фаоллари туманларда Хотин-қизлар қўмитаси раислари ва аул-фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари бириктирилган.

Шунингдек, республикамиз ширкат, фермер хўжаликлари ва пиллачилик корхоналарида мутахассис етишмаслиги бўйича Тошкент Давлат Аграр университетининг Нукус филиали Аграр университетига мурожаат қилинди. Муаммони ечиш учун бу йил ипакчилик мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаб бериш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида пиллачилик соҳасини ривожлантириш, хусусан, янги тутзорларни барпо этиш орқали озуқа базасини мустаҳкамлаш, тармоқни малакали мутахассислар билан таъминлашни ташкил этиш учун республикамиз ҳукумати раҳбарлигида чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**Вазир Ф.ЭРМАНОВ»**

ЎзХДП ҳаёти

# ЯНАДА ФАОЛ, ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

ЎзХДП Қашқадарё вилоят партия кенгаши пленумида мана шу ҳақида сўз борди

Пленумда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов маъруза қилди. У фақат ютуқларни кўрсатиб ўтмай, балки йўл қўйилган камчиликлар ва улардан чиқарилган хулосаларга асосий эътиборни қаратди. Мафкуравий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишда вилоят партия ташкилотининг имкониятлари қай даражада? Партия аъзолари, фаоллар масъулиятли вазифаларни адо этишга тайёрми?

Ўтган йили вилоят бўйича 1192 нафар киши партияга қабул қилинган ва шундан 563 нафари хотин-қизлар. Ҳозир жойларда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш якунланмоқда. Бироқ Нишон, Чироқчи, Ғузор туман кенгашларида сусткашликка йўл қўйилди, камчиликлар кўп. Натижада Нишон туман кенгаши раиси вазифасидан озод қилинди.

Маърузачи алоҳида таъкидлаганидек, бандлик масаласи, коммунал хизматлар ва бошқа соҳаларда ҳам талай муаммолар бор. Партия ташкилотлари бу масалалар билан ҳар куни тўқнаш келмоқда. Жойларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхоналари»га шу кунгача 338 та ариза тушган. Улардан 180 тасида кўтарилган масалалар ўз ечимини топди, қолганлари назоратда. Депутатлардан ҳам фаоллик талаб этилмоқда. Вилоят кенгашига партиядан 27 депутат сайланган бўлиб, улардан 6 нафари доимий комиссияларга раҳбарлик қилишмоқда. Ўтган йилнинг 20 декабрида бўлиб ўтган сессияда депутатлар гуруҳининг ташаббуси билан аҳолини электр, газ ва сув билан таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Агар вилоятда 570 та фуқаролар ва маҳалла кенгашлари бўлса, уларнинг 371 тасига ХДП аъзолари раҳбарлик қилишмоқда. Айни кунларда ўз-ўзини бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловларни намунали ташкил қилиш, партия кўрсатган номзодлар сайланишига эришиш учун кураш олиб борилмоқда.

— Шулар билан бирга камчиликлардан ҳам кўз юммолмаймиз, — деди маърузачи. — Партиядан сайланган айрим депутатларимиз сайловчилар билан алоқани бутунлай йиғиштириб қўйишмоқда. Бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас. Қуруқ сўз билан эмас, аниқ иш, ибрат билан фаолият кўрсатиш лозим.

Музокарага чиққан нотиқлар ҳам жўяли гапларни айтишди. Масалан, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Инобат Каримова хотин-қизлар ХДП сафида озчилик эканлигини айтиб ўтди. «Маънавият ва маърифат маркази» вилоят бўлими раҳбари Маматқул Ражабов Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг долзарблиги, ундан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди. ХДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати Ашур Норбоев ва бошқалар ўз чиқишларида мафкуравий ишларни кучайтириш бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди.

**Холлиёр ҚОДИРОВ, Чироқчи туман марказий шифохонаси бош врачи, вилоят Кенгаши депутати:**

— Туманимиздаги шифохоналарда «Муаммоларни ўзимиз ҳал қилайлик» мавзуида суҳбат ва учрашувлар ўтказдик. Фақат сўз билан эмас, аниқ иш билан ҳам одамлар қалбига йўл топишимиз керак.

**Мавлуда ТОШЕВА, Қарши туман халқ таълими бўлими бошланғич партия ташкилоти котиби:**

— Очиғи, партия ғояларини одамларга етказиш, обрўсини ошириш борасида ҳали кўп ишлаш, интилиш керак. Бугун тарғиботнинг турли усуллари ҳақида ҳам гапирилди. Шу ўринда бир таклифим бор. Олайлик, партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг фаолияти ҳақида видеороликлар тайёрланса ва жойларга юборилса. Ўйлайманки, ташвиқот ишларида улардан фойдалансак, таъсирчанлик ошарди.

**Хуршида ХОЛИҚОВА, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:**

— Биз ёшлар катта кучмиз. Мен «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбарининг ёрдамчиси сифатида ёшлар қалбига йўл топиш, уларни сафимизга тортиш борасида вазифаларимиз кўп, деб ҳисоблайман. Энг муҳими, улардан тўлиқ фойдалана олишимиз зарур.

**Комила КАРОМОВА, Қарши шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, «Насаф» газетаси муҳаррири:**

— Айни кунларда партия ташкилотимиз атрофига бирлашган 2300 аъзонинг ҳар бири билан суҳбатлашаяпмиз, ҳаёти, ишлари, яшаш шароити билан танишаяпмиз. Улар орасида эътиқодига содиқ аъзолар кўп. Афсуски, аллақачон бир нечта партия сафига кириб-чиқиб улгурганлар ҳам бор. «Партиянгиз нима қилиб беради?» қабилида савол бераётганларга партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини аниқ ва содда қилиб тушунтириб беряпмиз.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**ЎзХДП ҳаёти**

# ФАОЛЛИК САРИ ҚАДАМ

## ЁКИ ПЛЕНУМДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Очиғини айтганда, олдинлари партия тадбирлари номигагина ўтказилиб келинарди. Баъзан сиёсатни иқтисод билан чалкаштириб юрдик. Партиянинг бош мақсади — ўз ғояси билан кенг омма орасига кириб бориш, ҳаммаслаклар, тарафдорлар тўплаш, ўз электоратини шакллантириш бўлса-да, бунга кўп ҳам эътибор бермадик.

Мафкура — беқиёс куч. Мафкурасиз одам аслида манқуртга айланади. Айрим ёшларнинг диний экстремистик оқимларга қўшилгани ҳам буни кўрсатиб турибди. Биз мафкура ҳақида кўп гапирдик, аммо кенг омма орасига кириш, одамлар дардини тинглаш, улар қалбини маънан бойитиш, яъни фуқаролик маърифатини, жамиятда масъулиятли фуқаролик хулқи кўникмаларини шакллантиришда сусткашлик қилинди. Йиғинларда ҳисобот сўралди, режалар таҳлил қилинди. Кўпроқ рақамларга боғланиб қолдик.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг пленумида ҳам шу ҳақда гап борди. Тан олиб айтилдики, яқин-яқингача партия кенгашларининг бошланғич партия ташкилотлари билан иш олиб боришдаги саъй-ҳаракатлари асосан қуйи бўғинларни мустаҳкамлаш, янги аъзолар қабул қилиш, ХДП аъзолари ҳисоботини юритиш, аъзолик бадалларини йиғиш, партия мажлисларини ўтказишдан иборат бўлиб қолган эди. Эндиликда эса электорат орасида оммавий маърифий ишларни кучайтириш, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонликни ошириш, аҳоли ўртасида конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда фуқаролик вазифаларини амалга ошириш учун зарур амалий кўникмаларни шакллантириш, партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва тушунтириш, маҳаллий ҳокимият ва ўзўзини бошқариш органлари томонидан кишиларнинг ҳаётий манфаатларига тааллуқли вазифаларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва электорат сиёсий қарашларининг доимий мониторингини олиб бориш бош мақсад қилиб қўйилди. Пленум ўта жонли, қизиқарли ўтди. Олдинлари йиғинларга одам тўплаш муаммо бўларди. Бу сафар пленум ўтаётган залдаги ўриндиқлар етишмай қолди.

Пленумда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида аъзолар сони тўққиз минг нафарга камайгани айтилди. Хўш, бу йўқотишми? Балки сон жиҳатдан йўқотишдир, аммо сифат жиҳатдан йўқотиш эмас. Сабаби партия билан алоқаси узилган, бошқа партияларга ўтиб кетган ёки номигагина рўйхатда турган аъзолардан не наф?! Биз сон эмас, сифат муҳимлигини, самарали эканлигини англаб етдик.

Пленумда мафкуравий фаолият самарасини ошириш, тарғибот-ташвиқотни кучайтириш борасида эътиборли таклифлар айтилди. Масалан, ҳар ойда бир кунни «Сиёсий ўқувлар куни» деб белгилаш таклифини олиб кўрайлик. Яхши таклиф. Негаки, сўнгги пайтларда тарғибот-ташвиқотда доимийлик етишмади. Одатда бирор байрам, тадбир арафасида бу ёдимизга келарди. Ёки фақатгина сайловлар арафасида партия ташкилотлари вақтинча тарғиботга зўр берардилар, холос. Доимий, мунтазам тарғибот эса йўқ эди ҳисоб. Шу нуқтаи назардан ойнинг маълум бир кунини «Сиёсий ўқувлар куни» деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, фақат оғзаки тарғибот-ташвиқот билан чекланиб қолмасдан, балки кўргазмали воситалар, ҳужжатли кино ва видео тасвирлар орқали ҳам тарғиботни йўлга қўйсак, самарали бўларди.

Сўнгги пайтда вилоят партия кенгаши жойларда турли мафкуравий тадбирларни кенг йўлга қўймоқда. Вилоят марказидан 200 чақирим масофадаги асрий қумлар орасидаги Тупроққалъа мавзеидаги тадбирлар бунга мисол. Шу ерлик аҳоли эътирофича сўнгги беш-ўн йилда бу овлоқ гўшага бирор партия ходимининг қадами тегмаган экан. Ўтган қисқа фурсатда партия Марказий Кенгаши вакиллари, Марказий Кенгаш раиси ўринбосарлари Ш.Абдуллаева ва Г.Аъзамовалар вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳарларида бўлишди. Маҳаллалар, ўқув юртларида суҳбатлар ўтказилди. Маърифий-маданий тадбирларда иштирок этишди. Бу эса партиямизнинг жойларда омма орасига тобора чуқур кириб бораётганлигини кўрсатади. Бундай учрашув, суҳбатларнинг самараси катта.

Ўйлайманки, партиямизнинг охирги пайтлардаги дадил, ишончли саъй-ҳаракатлари жойларда партия бўғинларида муқаррар жонланишга замин бўлади.

**Зарифбой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Хива педагогика касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати**

## АГАР ҲАЁТ ШОИР БЎЛСА, СЎЗИ МУАЛЛИМ...

Бир томони қум барханларига, бошқа томони эса Айдаркўлга туташиб кетган Арнасой туманида бугун 21 та умумтаълим ва 1 та ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатяпти. Уларда 9779 нафар ўқувчига 641 нафар малакали педагог-кадрлар таълим-тарбия беришмоқда. Мазкур илм масканларида ишлаётган мураббийлар ҳалол меҳнати билан ота-оналарнинг меҳр-ишончига сазовор бўлишмоқда. Ана шундай инсонлардан бири 8-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Раъно Файзиевадир. 26 йилдирки, муаллима ўқувчиларга тилнинг ранг-баранг хусусиятлари ҳамда адабиётдан мукаммал билим, сабоқ беради.

— Ўқитувчи нафақат ўз касбининг устаси, айни пайтда Ўзбекистонимизни севадиган ҳақиқий ватанпарвар авлодни тарбияловчи фидойи инсон ҳам бўлиши керак, — дейди Раъно Файзиева.





***Суратда:*** *Раъно Файзиева дарс жараёнида.*

**Шавкат АКРАМОВ**
**олган суратлар**

**Биз билган, билмаган тарих**

**Жаҳонда иқтисодий тафаккур шаклланиши ва иқтисодий фанлар таркиб топиши жараёнларида шарқ, хусусан, ўзбек олимлари ва мутафаккирларининг муносиб ҳиссалари бор. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирга қадар аждодларимизнинг иқтисодий соҳадаги ана шу буюк мерослари ҳам етарли даражада ўрганилмаган...**

# АДОЛАТЛИ СОЛИҚ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

## ЁКИ УНИНГ АЛОҲИДА ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ХИЗМАТЛАРИ ХУСУСИДА

Солиқлар иқтисодиётнинг шундай кенг қамровли соҳасики, улар жамият аъзоларининг мутлақ кўпчилик қисми ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Солиқ сиёсати, унинг мазмуни, амал қилиш шакли ҳамда воситалари барча солиқ тўловчиларни қизиқтириши, табиий. Қолаверса, мустақилликни яқинда қўлга киритган давлатларда солиқ механизми ҳали шаклланиш ва такомиллашиш босқичларини бошидан кечирмоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда сўнгги йилларда солиқлар билан боғлиқ муаммолар китоб, мақола ва илмий тадқиқотларга тобора кўпроқ мавзу бўлаётганлигини табиий ҳол деб қараш мумкин.

Мазкур масалага оид илмий-оммавий адабиёт, айниқса, диссертациялар билан танишиш жараёнида юзага чиқувчи қизиқ бир ҳолат кишини ўйлашга мажбур қилади. Собиқ шўролар даврида иқтисодий, шу жумладан, солиқ назарияси билан шуғулланадиган олимлар ўз тадқиқотларини асосан К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.Ленин асарларига таянган ҳолда амалга оширишарди. Большевиклар империяси парчаланиши билан боғлиқ объектив сабабларга кўра марксизм-ленинизм таълимоти асосчилари иқтисодий фанлар чўққисидан тушиб кетишди, натижада муайян бўшлиқ пайдо бўлди. Улардан кейин солиқ масалалари бўйича ёзилаётган рисола, мақола ва илмий тадқиқотлар муаллифлари эса мазкур вакуумни асосан ғарб асарлари ҳисобига тўлдира бошлашди...

Асар, мабодо замонавий солиқ сиёсати ва унинг энг долзарб муаммолари ҳақида ёзилаётган бўлса, бундай ёндошишни маъқуллаш мумкин. Лекин, ҳатто солиқларнинг тарихи, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, объектив сабабларга кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлган шарқ давлатларида солиқ сиёсатининг шаклланиши каби масалаларни тадқиқ қилаётганда ҳам тадқиқотчилар ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш жараёнида кўпроқ ғарб олимлари асарларига таянишмоқда.

Солиқлар ҳақида тайёрланган ҳар қандай илмий тадқиқотда мавзунинг ўрганилганлик даражаси Вильям Петти, Адам Смит, Давид Рикардо каби ғарблик классик олимларнинг солиқларга оид қарашларини таҳлил этиш билан бошланиши таомилга кириб қолди. Солиқлар ҳақидаги фаннинг пайдо бўлиши ҳам асосан юқорида номлари зикр этилган олимларнинг хизматлари, деган хулоса деярли кўпчиликка сингиб кетди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган ва ўз олдига шундай мақсад қўйган давлатларда амал қилаётган солиқ сиёсати ва унинг замонавий муаммолари тадқиқ қилинган асарларнинг «фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида ҳам асосан яна ғарблик олимларнинг номларини кўрамиз. Қайси диссертация, китоб ёки мақолани олиб қараманг, улар С.Брю, Ж.Кейнс, М.Кемпбел, Я.Корнаи, К.Макконелл, Ж.Лоуренс, П.Самуэльсон, Й.Шумпетер, М.Фридман каби олимлар асарлари билан бошланиб, яна ўшалар билан тугайди.

Ғарблик олимлардан кейин собиқ совет ва замонавий рус олимлари асарлари, ва ниҳоят, охирида ўзбек олимлари тадқиқотлари тилга олинади.

Менинг фикримча, масалага бу тахлит ёндошиш тарихий воқеликка тўғри келмайди ва уни ўзгартириш фурсати аллақачон етиб келди.

Масалан, солиққа тортишнинг умумий принциплари биринчи бор Адам Смит, Вильям Петти ва Давид Рикардо асарларида ишлаб чиқилган, деб ҳисобланади. Бу ўринда ортиқча эътирозимиз йўқ. Негаки, классик сиёсий иқтисод асосчилари бўлмиш инглиз олимлари В.Петти (1623-1687 йиллар) «Солиқлар ва йиғимлар ҳақидаги рисола» (1662 йил), А.Смит (1723-1790 йиллар) «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 йил), Д.Рикардо (1772-1822 йиллар) «Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш асослари» (1817 йил) каби машҳур асарларида солиқлар бўйича ҳақиқатдан ҳам катта иш қилишган.

Лекин улар солиқлар масаласида фикр юритишар эканлар, инсоният тарихида ўзларидан олдин яратилган асарлар, ғояларга таянишганлиги негадир кўпчилигимизнинг эсимиздан чиқиб қолмоқда. Мазкур масалага ойдинлик киритиш учун узоқ ўтмишга бир назар ташлаш кифоя. Бошқа халқлар, давлатларни қўя турайлик-да, ўз юртимизнинг тарихига мурожаат қилайлик...

Жаҳонда илк давлатлар ва уларнинг турли-туман харажатларини қоплаш мақсадида солиқлардек ўта муҳим восита ўйлаб топилиши билан, яъни қадим-қадимдан солиқларнинг тўловчилари уларнинг миқдори маълум бир меъёрда бўлиши учун курашиб келишган. Ва шуни фахр билан айтишимиз мумкинки, бизнинг аждодларимиз бу муаммо ижобий ҳал бўлиши учун жуда катта ҳисса қўшишган.

Буюк аждодимиз Аҳмад Ал-Фарғоний Мисрда Нил дарёси суви ҳажмининг ўзгаришига қараб, сувни барча деҳқонлар ўртасида бир хил тақсимлашни таъминлай оладиган, ўз замонасида жаҳонда тенги йўқ гидроиншоот барпо этган. Қоҳира шаҳри яқинидаги Сайёлат ул-Род мавзесида бунёд этилган мазкур бино 1200 йилдан бери аждодларимизнинг буюк ақл-заковати тимсоли сифатида қад ростлаб турибди. Ватандошимиз сув билан таъминлаш даражасининг ҳосилга таъсири ва шу асосида солиқ миқдорини адолатли ўрнатиш ғоясини олдинга сурган ва ҳаётга жорий этган. Бу — инсоният тарихида солиққа тортиш принципларини ишлаб чиқишга бўлган илк ва муваффақиятли амалга ошган уринишлардан бири эди.

Аҳмад Ал-Фарғоний мазкур ғояни ўртага ташлаган ва ҳаётга жорий этган IX асрда ғарб давлатларининг кўпчилиги ҳали давлат сифатида шаклланиб улгуришмаган эди. Бинобарин, уларда солиқ ҳақида фикр юритишга асос, яъни солиқларнинг ўзи ҳам йўқ эди.

Буюк бобомиз Амир Темур ҳам умр бўйи солиқлар адолатли бўлиши учун тинмай ҳаракат қилган. Фикримиз тўғрилигини тушуниш учун унинг мамлакатларни бошқариш фаолияти ҳамда «Темур тузуклари» асарига мурожаат қилиш кифоя. Жаҳонгир мазкур асарида солиқлар ва солиққа тортиш масалаларига жуда катта эътибор берган. У ўз ихтиёридаги мамлакатларда солиққа тортиш, унинг миқдори ва тўғри йиғиб олиш жараёнини тартибга солган.

**«Амр қилдимки, — деб таъкидлайди Амир Темур, — раиятдан хирож йиғишда уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашувига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши ўз навбатида салтанатнинг заифлашишига олиб келади».**

Соҳибқирон қишлоқ хўжалигида солиқни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб белгилашни жорий қилади. Амир Темур салтанатида ҳосил пишиб етилмасдан раиятдан молу жиҳот олишни қатъий равишда тақиқлаб қўйиш ҳам амал қилганки, солиққа тортишнинг бундай адолатли принциплари Европа давлатларининг кўпчилигида ҳали маълум эмас эди.

Ташландиқ ёки янги ерларни ўзлаштирган шахсларга солиқдан катта имтиёз берилган. **«...амр этдимки, — дейилади «Темур тузукларида», — кимда-ким бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер остида қурилган ва бир-бирларига туташтирилган қудуқлардан иборат арик) курса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар».**

Ахир бундай фикрлар адолатли солиқ сиёсатининг асосини ташкил қилмайдими?! Амир Темур ўз замонасининг энг адолатли солиқ сиёсатини ишлаб чиққан ҳамда уни Осиё ва Европанинг катта қисмини ташкил этган бепоён салтанатида ҳаётга жорий этган. Демак, Буюк Темурни замонавий солиқ сиёсатининг асосчиларидан бири, дейишга ҳаққимиз борлиги кўриниб турибди. Унинг солиқ сиёсатини ташкил этиш бўйича билдирган ғоялари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Солиқ назариясини яратган, деб ҳисобланадиган ғарблик олимлар ҳам шу тахлит ғояларни Темур бобомиздан 3-4 аср кейин бошқача шакл ва сўзлар билан ифода этганликларини тушуниш учун улар асарларини ҳеч бўлмаса бир бор қиёслаб чиқиш етарли...

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, Буюк Темур юртимизни мўғуллар зулмидан озод қилиш ва Амир Ҳусайн билан тахт учун узоқ давом этган курашларида халққа уларга нисбатан адолатли солиқ сиёсатини таклиф этгани ҳам катта ёрдам берганлиги сир эмас.

Яна бир мисол. Бобур ва бобурийлар салтанатининг Ҳиндистон заминида ўта узоқ муддат, яъни 300 йилдан кўпроқ ҳукм суришида ҳам халқпарварлик, жумладан, ортиқча солиқлар билан халқни қийнамаслик каби омилларнинг хизмати беқиёс бўлган.

Улуғбек, Навоий, Хўжа Аҳрор каби буюк бобокалонларимиз ҳам солиқлар миқдори адолатли бўлиши учун ғарбликлардан анча олдин курашишганлиги маълум.

Мен солиқлар ҳақидаги фаннинг таркиб топишида ғарблик олим ва мутафаккирларнинг хизматларини инкор этиш ниятидан узоқман. Ҳақиқатан ҳам улар замонавий солиқ назарияси ва амалиётининг асосчилари бўлишган. Лекин ҳамма гап шундаки, солиқларнинг алоҳида фан ва соҳа сифатида шаклланиши жараёнида халқимизнинг юқорида номлари зикр этилган буюк фарзандлари ҳам муҳим ҳисса қўшганликларини тан олиш керак.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ҳолат фақат солиқлар масаласи билан чекланиб қолмаган. Минг таассуфки, адабиёт ва фаннинг бошқа соҳаларида ҳам ҳозиргача «олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», қабилида иш кўраётган юртдошларимиз бор. Шоиру олимларимиз ёзаётган китоб, мақола, ўтказаётган илмий тадқиқотларда, телевидение ва радиодаги чиқишларда кўпроқ ғарб асарларига таяниш касаллигидан ҳозиргача қутула олишмаяпти. Ҳатто кундалик ҳаётимиз ва ўзаро суҳбатларимизда ҳам Буюк Навоий, Бобурлардан эмас, Шекспир ёки Гётелардан кўпроқ мисол келтирамиз... Агар боболаримиз томонидан вақтида мазкур масалалар бўйича бирор жўялироқ фикр айтилмаганда эди, эътироз билдиришга асос йўқ эди, албатта.

Мухтасарини айтсам, аждодларимиз қолдирган буюк меросни ҳали кўп синчиклаб ўрганишимиз керакка ўхшайди. Лекин бу осон ва тез фурсатда ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Негаки, уларнинг асарлари эски ўзбек, араб ва форс тилларида ва бошқа имлоларда битилган. Зеро, собиқ шўролар даврида биз буюк меросимизни билмасдик, Ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Марғиноний, Мотуридий каби алломаларимизнинг хизматлари у ёқда турсин, ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмагандик. Мустақиллик шарофати билангина боболаримиз бой меросини била бошладик... Мавжуд қийинчиликларга қарамай, асрлар давомида жаҳон мамлакатлари ва халқлари ўртасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ва олдига буюк мақсадларни қўйган давлатимиз аждодлар маънавий бойлигини тобора кенгроқ кўламда ўрганишга имкон бермоқда.

Лекин узоқ давом этадиган бу жараённи охиригача изчиллик билан етказиш бугун адабиёт ва фан оламига кириб келаётган ёш ватандошларимиз зиммасига тушмоғи, табиий. Умид қиламизки, мазкур тарихий адолатни тиклаш ишига улар ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор**

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИГА АСОСЛАНГАН ДАЪВО

Инсон кексайган чоғида нафақага чиқиб, меҳнати роҳатини кўришни хоҳлайди. 47 йил узлуксиз меҳнат қилган Ражаб Кулиев ҳам ҳамма қатори шунга умид боғлаганди. Афсуски, ундай бўлмади.

2004 йилга келиб «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бошқаруви раиси Р.Кулиев устидан турли идораларга шикоятлар туша бошлади. Улар ўрганилганда «муаллифлар» ҳеч жойга шикоят ёзмаганлигини айтиб, елка қисишарди.

Вилоят ҳокимлиги вакили Садриддин Шароповнинг 2004 йил 3 июнь кунги хатида ёзилишича: «Аризада билдирилган масалалар жойида бориб ўрганилганда, унга имзо чекканларнинг тўртталалари бу аризага мутлақо дахлсиз кишилар, қолган олти киши аризадаги асосий масалаларга алоқаси йўқлиги аниқланди...»

Марказнинг бир гуруҳ ҳунармандлари, шу жумладан, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг аъзолари Б.Гулов ва Х.Зойировларнинг вилоят ҳокимига ёзган мактубида эса қуйидаги гаплар айтилган: «...Марказ фаолиятига дахли бўлмаган аллақандай кимсалар бизнинг номимиздан Р.Кулиевни қоралаб, унга турли хил туҳматларни ёғдириб, шикоят ёзганларидан нохуш аҳволда қолдик. Бу марказ ташкил этилишини, унинг фаолиятини кўролмайдиган нокасларнинг ишидир».

Хўш, унда шикоятни бировлар номидан ташкиллаштирувчи ким бўлмаса? Бу саволга жавоб топиш эса қийин эмас эди. Чунки йил бошида вилоятда кўп тармоқли Амалий санъат маркази ташкил этилган бўлиб, бу кимларнидир негадир безовта қилиб қўйди. Марказ 30 га яқин усталар ва ёш ижодкорларни бирлаштирди.

«Кўкалдош» мадрасасида иш бошлаган Марказ фаолияти қизғин кетаётган эди, — дейди Р.Кулиев. — Мадрасада тозалаш, таъмирлаш, электр ўтказиш, ҳужраларни ҳунармандлик турлари бўйича мослаштириш ишлари охирлаб, март ойи сўнггида очилиш маросимини ўтказишни режалаштирган эдик. Бироқ, ҳунармандлар маҳсулотларидан кўргазма ташкил қилиш учун тикувчи З.Каримовадан эгаллаб турган хонаси олиниши билан шикоятбозлик бошланди. Текширадиганлар кўпайди. Кўпгина усталар эса марказни ташлаб кета бошлашди».

Шу орада З.Каримова прокуратурага марказ бошлиғи Р.Кулиев корхона ва ҳунармандларнинг 840 минг сўмини ўзлаштирган, деб шикоят ёзади. Р.Кулиевга нисбатан жиноий иш қўзғатилади. Бухоро шаҳар прокуратураси уни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми, «а» банди, 209-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан айблаб, ишни шаҳар судига топширди. Жиноят ишлари бўйича шаҳар судининг судьяси Б.Умаров 2005 йил 11 март кунги ажрими билан «айблилик масаласини ҳал қилмай туриб» амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаб ишни тугатади.

Бу «жиноят иши» қандай пайдо бўлгану, ундаги айб эпизоди нечоғли асосли эканлиги бошқа мавзу, албатта. Биз эса айбловга асос бўлган, яъни ўзлаштирилди, деб ҳисобланган сумма ҳақида ўз мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз, холос.

2005 йил 4 октябрь куни фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг шаҳар прокурори томонидан Р.Кулиевга нисбатан берган даъво аризаси бўйича суд мажлиси бошланди. Мажлисга раислик қилувчи Иброҳим Норов масаланинг жиддийлигини ҳис этиб, муҳокамани кейинга қолдирди. Аммо, ўртадан бироз вақт ўтса-да, суд мажлиси бўлавермади. Очиқ суд мажлисида мен ҳам қатнашаётган эдим. Судьяга қўнғироқ қилганимда яқин кунларда бўлиб қолади, деди. Лекин ўша яқин кунларда ҳам суд бўлмади. Бир куни Р.Кулиев судга қачон суд иши давом этишини билгани борса, қўлига қарор тутқазишади... Ҳе йўқ, бе йўқ 2005 йил 13 октябрь санаси билан чиқарилган суднинг ҳал қилув қарорида: «Бухоро шаҳар прокурорининг Р.Кулиевга нисбатан моддий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси қисман қаноатлантирилсин. Фуқаро Р.Кулиевдан «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бошқаруви фойдасига 2282351 сўм моддий зарар ундирилсин...» деб ёзилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 203-моддасида «Суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлгандан сўнг дарҳол чиқарилади. Алоҳида ҳолларда эса кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, лекин унинг хулоса қисми суд ишни кўришни тамомлаган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак» дейилган. Ажабланарлиси, 4 октябрь кунидан кейин бошқа бирор марта суд мажлиси ўтказилган эмас эди.

Мазкур Кодекснинг 197-моддасига асосан ишни мазмунан кўриш тугагандан сўнг музокарага ўтилиши лозим. Бироқ, иш ҳали суд раиси томонидан мазмунан кўрилиши тугаганлиги эълон қилинмасдан, яъни музокарага ўтмасдан қолдирилган эди. Бундай ҳолатда мажлисдан 9 кун ўтгач, навбатдаги суд мажлисини чақирмасдан якка ўзи томонлар иштирокисиз ҳал қилув қарорини зудлик билан чиқаришига суд раисини нима ва ким мажбур қилди экан?

Энг қизиғи шундаки, даъво миқдорининг қарийб 2 миллион сўми ҳунармандлардан олинган тушунтириш хатларига (унинг 1600 минг сўмини шахсан шикоятчи З.Каримова ёзиб берган!) асосланган бўлиб, бу тушунтириш хатлари жавобгар Р.Кулиев билан муҳокама қилинмасдан, яъни тўғрими ёки нотўғрилиги аниқланмасдан ташкилотнинг даромад қисмига кирим қилинган.

«Тушунтириш хати бухгалтерия ҳисоб-китобида иккиламчи ҳужжат, — дейди адвокат Баҳрон Адизов, — у ҳеч қачон асосий ва ҳуқуқий ҳужжат бўлолмайди. Аммо, тафтишчи С.Нуруллаев тушунтириш хатларини далолатномага илова қилиш билан чегараланмасдан, уларни корхона молиявий-хўжалик фаолиятига қўшиб юборган. Шаҳар прокуратураси терговчиси эса тушунтириш хатларини асоссиз равишда даъво аризасига киритган. Суд вилоят назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи Р.Қўшаевнинг далолатномада хато ва камчиликлар, ноаниқликлар мавжудлиги, суд лозим топса, қайта тафтиш ўтказишлари мумкинлиги тўғрисидаги хатини инобатга олса, иш анча ойдинлашарди. Лекин, негадир суд буни хоҳламади.

Бундан ташқари, суд бизнинг мазкур иш юзасидан бухгалтерлик экспертиза ўтказиш лозимлиги ҳақидаги хатимизга ҳам бепарво бўлди. Афсуски, бу ҳолатлар кейинги суд босқичларида ҳам такрорланди.

Ҳар бир айблов ёки қарор ортида инсон ва унинг қадр-қиммати ётибди. Шу маънода уни айблашда ҳар томонлама тўла далиллар тўпланиб, ҳужжатлар билан рад қилиб бўлмайдиган даражада исботланиши зарур, деб ўйлаймиз. Р.Кулиевга нисбатан қўйилган даъво бўйича ҳам кўплаб ноаниқликлар борга ўхшайди. Албатта, инсоннинг қадр-қиммати билан боғлиқ бу масалаларга мутасадди ташкилотлар эътибор қаратишига ишонамиз.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Тақдимот**

# «УКУЗДАРЁ БИТИКЛАРИ»

Маълумки, ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти азал-азалдан бир дарёнинг икки қирғоғи каби ёнма-ён яшаб, бир-бирини тўлдириб, шу кўҳна замин халқларининг тарихий ўтмиши, маънавий тафаккур кенгликларидан сўзлаб, юксак инсоний фазилатларни тараннум этиш баробарида ўз олдига қўйган пурвиқор мақсадларни улуғлаб келмоқда.

Бизга тенгсиз имкониятлар берган истиқлол туфайли қорақалпоқ адабиёти ҳам янгиланиш ва ривожланиш сари юз бурди. Янгича дунёқарашдаги, ўз сўзи ва овозига эга истеъдодлар адабиёт оламига кириб келдилар. Улар ижодида бугунги кун руҳиятини теран илғаш, замонавий адабий қарашларни умуминсоний қадриятлар ва ҳаётий фалсафа билан уйғун ҳолда тасвирлаш истаги етакчи эканлиги эътиборлидир. Қорақалпоқ шеъриятининг ёш вакилларидан бири Бахтиёр Генжамурод ана шу йўлда изланаётган ижодкорлардан.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир ва таржимоннинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган **«Укуздарё битиклари»** китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олим ва шеърият мухлислари йиғилган мазкур тадбир қорақалпоқ шеъриятининг изланиш ва ютуқлари, бугунги муваффақиятлари, қолаверса, янги китобнинг аҳамиятига бағишланди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов йиғилишни очар экан, қорақалпоқ шеъриятининг мақоми ва даражасини белгилаб келаётган шоирлар сафига яна бир янги ном қўшилганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, шоир ижодига назар соларканмиз, унда қадим тарихнинг уйғоқ овозини, миллат кечмишининг таъсирчан лавҳаларини, ота макон, киндик қони тўкилган юртга чексиз муҳаббатни кўрамиз. Ушбу тўпламга киритилган шеър ва достонлар тили ва услубининг ўзига хослиги таржимон Рустам Мусурмон маҳорати билан сақланиб қолган.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**



**Пойтахтимизда Ўзбекистон гольф ассоциацияси томонидан Тошкент гольф-клуби кўмаги ва акциядорлик тижорат «Капиталбанк» бош ҳомийлигида илк бор гольф бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.**

# БИРИНЧИ ЧЕМПИОНАТ

Ўзбекистон гольф ассоциацияси бош котиби Со Кон Ининг таъкидлашича, Марказий Осиёда биринчи ва ягона мазкур гольф-клуб 1998 йилда шахсан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан барпо этилган. Жаҳон андазаларига жавоб берувчи Тошкент гольф-клубида эндиликда хорижликлардан ташқари юртдошларимиз ҳам ушбу спорт турини ўрганишмоқда. Гольф бўйича 1-Ўзбекистон чемпионатини ўтказишга қарор қилинганлиги эса мазкур спорт турини ривожлантиришда ва унинг янада оммавийлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Майсазор билан қопланган 18 та майдонда ўтказилган беллашувларда 30 ўйинчидан иборат тўққизта жамоа қатнашди. Мутлақ биринчиликда Евгений Ли ғолибликни қўлга киритди. Гандикап бўйича асосий номинацияда Яна Тигай биринчиликни эгаллади. Шунингдек, энг яқин ва узоқ зарба номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Алишер РЎЗИЕВ**

***Суратда:*** *мусобақадан лавҳа*



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

**Спорт**

**Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «А» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Кувайтнинг «Ал-Қодисия» футболчиларини қабул қилди.**

## МАҒЛУБИЯТЛИ ДУРАНГ

Тошкентга гуруҳ пешқадами сифатида ташриф буюрган қувайтлик футболчиларга кейинги босқичга чиқиш учун дуранг натижа ҳам кифоя қиларди. Ҳамюртларимизнинг чорак финалга йўл олиш учун эса фақат ғалаба зарур эди. Шу боис, ҳал қилувчи ўйин мақомини олган ушбу учрашувга олдиндан қизиқиш катта бўлди.

Афсуски, ўйин дуранг (2:2) натижа билан якунланди. Ҳамюртларимиздан тўпларни Ринат Байрамов, Анвар Солиевлар киритди.

Мусобақанинг «В» гуруҳида иштирок этаётган Муборакнинг «Машъал» футболчилари Бирлашган Араб амрликларида «Ал-Айн» жамоаси меҳмони бўлди. Эслатиб ўтамиз, ушбу жамоаларнинг дастлабки учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилганди.

**Эркин ХОЛБОБО**

## БЕКХЭМ «РЕАЛ»ДАН КЕТМОҚЧИ ЭМАС

Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм мамлакат футбол клубларининг бошқа жамоага ўтиш ҳақидаги таклифларини рад этди. У ўзининг асосий жамоаси «Реал» клуби билан 2003 йилда тузилган шартнома муддатини узайтирмоқчи эканини баён қилди. Ваҳоланки, Лондоннинг «Арсенал» клуби 2006/07 йил футбол мавсумида Бекхэмни ўз сафида кўришни орзу қилган эди. Боиси, бу жамоа мавсумни янги стадионда бошлаш ниятида. Айни пайтда Бекхэмнинг иш юритувчилари Германияда бошланадиган жаҳон чемпионати кезларида янги шартномалар тузиш ҳақида музокара олиб боришга аҳд қилишган. Бекхэм эса ўзининг катта футболдаги сўнгги йилларини АҚШда ўтказиш ниятида экан.

## БЛОХИН ГЕРМАНИЯГА БОРАДИГАНЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАДИ

Украина терма жамоасининг бош мураббийи Олег Блохин жаҳон чемпионатида иштирок этувчи 23 нафар футболчи рўйхатини тасдиқлади. Дарвозабонлар: Александр Шовковский, Богдан Шуст, Андрей Пятов. Ҳимоячилар: Андрей Несмачный, Сергей Фёдоров, Владислав Ващук, Владимир Езерский, Андрей Русол, Дмитрий Чигринский, Вячеслав Свидерский. Ярим ҳимоячилар: Анатолий Тимощук, Олег Шелаев, Сергей Назаренко, Олег Гусев, Сергей Ребров, Руслан Ротань, Андрей Гусин, Максим Калиниченко. Ҳужумчилар: Андрей Шевченко, Андрей Воронин, Артем Милевский, Андрей Воробей, Алексей Белик.


### «ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**2005 йил молиявий натижалари**

| Баланснинг актив қисми | Минг сўм | Баланснинг пассив қисми | Минг сўм |
|---|---|---|---|
| Асосий воситалар қолдиқ сумма | 1503331,8 | Устав капитали | 50899,0 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 733,0 | Тақсимланмаган фойда | 10790,7 |
| Ишлаб чиқариш захиралари | 4022,9 | Мақсадли тушум ва фондлар | 474461,3 |
| Товарлар | 64467,8 | Узоқ муддатли қарзлар | 1119875,8 |
| Кечиктирилган харажатлар | 49336,7 | Бюджет бўйича қарзлар | 5791,4 |
| Келгуси давр сарфлари | 656,9 | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз | 3306,9 |
| Пул маблағлари | 15349,5 | Мол етказиб берувчиларга қарз | 459,3 |
| Бошқа дебиторлар | 32893,6 | Бошқа кредитлар | 2412,2 |
| | | Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз | 2795,6 |
| **Баланс** | **1670792,2** | **Баланс** | **1670792,2** |



**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» инжиниринг компанияси

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

***Узун тумани, «Боботоғ» фермер хўжалигидаги 192 ўринли 35-сонли янги мактаб қурилиши.***

***Иншоотнинг бошланғич нархи — 408999,0 минг сўм. Қурилиш муддати — 180 кун.***

*Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.*

*Буюртмачи:* ***Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.***

*Манзили:* ***Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел: 2-49-71.***

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй,***
***Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

*Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:*

***Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***



## Диққат, танлов!

## ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

***Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси***

*Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо вақтидан уч кун аввал тўхтатилади.*

***Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.***

***Танлов ўтказилиши —*** ***2006 йил 25 май, 2,13,28 июнь, 5,13,19,27 июль, 2,9,16,23,30 август кунлари***

***Ўтказилиш жойи —*** ***Тошкент вилояти ҳокимлиги***

***Манзил:*** ***Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 19-уй.***

***Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий, хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин.***

***Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:***

*Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган — алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:*

*А) ариза ҳужжатлар тўплами;*

*Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;*

*В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб қилинади:*

*1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати).*

*2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.*

*3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.*

*4. Бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим)*

*Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар имзолаб), белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига топширадилар.*

| т/р | Корхона ёки объект номи | Жойлашган жойи (тум. шаҳ.) | Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари | Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Инвестициявий мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм) | Инвестициявий мажбуриятнинг бажарилиш муддати (йил) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Ғунча» болалар боғчаси | Зангиота тумани | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 50 | 12 ой |
| 2. | «Tumanlararo silga qarshi kurash dispanseri»га қарашли эски ҳисобхона биноси | Ўртачирчиқ тумани | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 8 | 12 ой |

***Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси***

***Тел.: 139-21-24, 139-21-20, 139-21-17, 139-22-27***

*1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилоят «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси»нинг 2006 йил 12 майда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилоят, Ўртачирчиқ туманида жойлашган «Туманлараро туберкулёзга қарши диспансернинг эски ҳисобхона биноси» давлат объекти бўйича инвестор билан тузилган шартнома бекор қилинганлиги ва объект бўйича қайта танлов савдолари эълон қилинганлиги маълум қилинади.*



## «ИПОТЕКА-БАНК»

***Тошкент вилоят филиали Сизларга юқори фоизли омонат турларини таклиф этади.***

**Антиқа** омонат тури — 1 ойдан 3 ойгача — йиллик 22%, 3 ойдан 6 ойгача — йиллик 21%, 6 ойдан 12 ойгача — йиллик 20%.

**Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ойма-ой ҳисобланиб, омонатингизга қўшиб борилади.**

**«Болажон»** омонат тури — 18 ёшгача бўлган болалар номига очилади ва фоиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасига асосан тўланади;

**Истиқбол** омонат тури — 2 ой муддатга йиллик 22 фоиз;

**Коммунал** омонат тури — омонатга қўйилган маблағга йиллик 24 фоиз ҳисобида ойма-ой фоиз ҳисобланиб, шартномага асосан коммунал тўловларига ўтказиб борилади;

**Талаб қилиб олингунча** омонат тури — омонатга қўйилган маблағга йиллик 2% ҳисобида фоиз тўланади. Ушбу омонат турига қўйиладиган маблағ ва унинг муддати чекланмаган;

**Жозиба** омонат тури — 3 ой муддатга йиллик 21 фоиз;

**Адолат** омонат тури — 6 ой муддатга йиллик 20 фоиз;

**Пластик карточка** — йиллик 16% миқдорида ҳисобланади.

Бундан ташқари банкимизда ишлаб турган **WESTERN UNION** халқаро пул ўтказиш тизимидан фойдаланишингиз мумкин.

**Батафсил маълумот олиш учун тел: 117-25-04, 173-92-50.**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug`ani MAMASODIQOV**
(Mas`ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Shohaydar MIRHABIBOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
**Hajmi 2 bosma taboq.**
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 750
11058 нусхада босилди
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.20
Topshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda